

Ватанга, туғилган гўшага меҳр қўйиш, ардоқлаб-авайлаш унга садоқат белгисидир. Яхши ният ва режалар билан юртга хизмат қилиш юртининг асл фарзандларига хос фазилат. Мустақиллик йилларида юртимизда гўзал ва файзли кўчалар, бир-биридан хушманзара майдонлар, ҳавасингизни келтирадиган турар жойлар бунёд этилаётгани, илғор технология билан жиҳозланган замонавий тиббиёт ва таълим муассасалари, маданият ўчоқларининг кўпайиб бораётгани кимни қувонтирмайди дейсиз.

Айниқса, барчамиз учун жондек азиз юртимиз, халқимиз келажаги бўлган ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар, фидокорона ишлар халқимизнинг азалий улуғ ниятларидан саналади. Таълим тизимининг барча соҳаларидаги ислохотлар, ўзгаришларга ғувоҳ бўлиб бораемиз. Ана шундай шиддатли ўзгаришлар олий таълим тизимида ҳам бўй кўрсатмоқдаки, бу барчамизни хушнуд этмай иложи йўқ.

Мазкур тизим ўз фаолиятига кўра, бутун мамлакат ривожига, гуллаб-яшнаши ва дунё мамлакатлари билан тараққиёт йўлида тенгма-тенг қадам ташлашини таъминлашга қаратилган улкан куч-қудрат, катта салоҳият манбаидир. Бундай таълим муассасаларида хизмат қилаётган барча педагоглар жамоаси чуқур ва қимматли илм салоҳияти билан юртимиз ривожланишини янада юксакларга элтувчи малакали кадрларни етказиб бермоқда.

Бугунги тезкор ривожланаётган ахборот асрида илм-фани янада юқори босқичга кўтариш замон талаби бўлиб қолмоқда. Зеро, мамлакат ва жаҳият олдида турган долзарб масалалар ва муаммоларни илм-фансиз, билимли ва малакали кадрларсиз ҳал этиш мураккаб экани шубҳасиздир.

Маълумки, Мустақиллик йилларида республикамиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратишга мустаҳкам асос яратилди. Жумладан, таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган замонавий ўқув-лабораториялари ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган таълим муассасаларини ташкил қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, педагог кадрлар ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш ўта муҳим аҳамият касб этди.

Лекин замон доим тараққиқ этишни, ҳар бир соҳада, жумладан, олий таълим тизимида ҳам узлуксиз ислохотларни талаб қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, барча соҳаларда амалга оширилаётган қувонарли ўзгариш-

лар, аввало, инсон манфаатларига қаратилаётгани халқимиз қалбидан чуқур жой олмоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодига интеграллашиб бормоқдаки, меҳнат бозорининг қатъий талабларига жавоб бера оладиган, унга тез мослаша оладиган олий таълим тизимини ривожлантириш ўта долзарб масала экани намоён бўлаётди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган маърузасида: "Биз таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларини бугунги кун талаблари асосида такомиллашти-

лар бўйича бакалавр ҳамда магистрлар тайёрланиб, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлмоқда. Буларнинг барчаси қувонарли ҳол. Аммо вақт шиддат билан ўтиб бораётди, тараққиёт мунтазам ислохот ва ўзгаришларни талаб қилмоқда.

Юқорида қайд этилган Қарорда Республикаимиз олий таълим муассасаларини ўрганиш натижалари бир қатор олий таълим муассасаларидаги илмий-педагогик салоҳият ҳануз паст даражада экани, таълим жараёнининг ўқув-методик ва ахборот тизими ва ахборот таъминоти замона-

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ришни ўзимизнинг биринчи даража-ли вазифамиз деб биламиз", дея таъкидлаган эди.

Яқинда Президентимизнинг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Бу пухта ўйланган қарор мамлакатимиз тараққиётида юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашдек стратегик мақсадга эришиш учун катта назарий асос бўлди ва замин яратди.

Мазкур қарорда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш маъно-мазмуни ва моҳиятини қайта кўриб чиқиш, олий малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро стандартлар даражасида зарур шарт-шароитлар яратиш каби устувор масалалар таъкидлаб ўтилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мустақиллик йилларида олий таълим тизимини модернизация қилиш, мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди. Уларда ахборот технологиялари, иқтисод ва бизнесни бошқариш, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи, ахборот-коммуникация технологиялари каби юксак ихтисослик-

вий талабларга мос эмаслиги, моддий-техника базаси янгилашишга муҳтожлиги қайд этиб ўтилган.

Қарорда олий таълим тизимини 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтирилган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, унинг 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган. Буларнинг бари олий таълим тизимида, яъни фарзандларимиз келажагига нечоғлиқ юксак эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ушбу Қарори асосида мамлакатимиздаги айрим олий таълим муассасалари ихтисослашувининг ўзгартирилгани ҳам юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни

янада яқиндан йўлга қўйиш, энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари, олимларини жалб этиш қайд этилган. Ёш авлоднинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Голландия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Хитой каби давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида таҳсил олиши улар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга замин тайёрлаши шубҳасиз.

Қарорда олий таълимни ривожлантириш борасида кўплаб вазифалар белгиланган. Хусусан, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш негизидан ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш қайд этилган.

Жумладан, янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимида татбиқ қилиш, замонавий ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, жумладан, хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш асосида ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Янги илмий ва ўқув адабиётларининг инглиз ва рус тилларидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳам фикримизча жуда муҳим вазифа саналади.

Албатта, бу борадаги барча вазифаларни амалга ошириш педагог ходимлардан катта куч-ғайрат, ватанпарварлик, ёш авлодга меҳр-мухаббат билан бирга катта маблағ сарфланишини талаб қилади. Шу ўринда айтиш жоизки, бу дунё ҳавас қилдиган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жаҳиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратади.

Республикамизда олий таълим сифатини юксалтириш йўлидаги бу ишончли, дадил қадамлар, шубҳасиз, тараққиёт гаровидир. Уларда таълим олаётган фарзандларимиз чехрасидаги қувонч шу юртдан мамнунлик, шукроналик ифодасидир. Зеро, ёшларни илмий, зукко, энг асосийси, малакали мутахассис бўлиб етишиши учун барчамиз баробар масъулиятимиз.

Светлана ИНАМОВА,
"Соғлом авлод учун"
халқаро хайрия фонди
бошқаруви раиси

ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тизимда амалга оширилаётган туб ислохотларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тергов хизматлари ҳамда вазириликнинг раҳбар ва етакчи мутахассислари иштирок этиб, амалга оширилаётган ишлар борасида атрофлича маълумот беришди.

Брифингда таъкидланганидек, ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жаҳият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Барча ислохотларнинг бош мақсади, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳар жабҳада қонун устуворлигига эришишдир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Йиғилишда ушбу Фармон соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида замон талабидан келиб чиқиб қабул қилинган муҳим ҳужжат эканлиги ҳамда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлашда соҳа ходимларига дастуруламал бўлиши айтиб ўтилди.

Фармонда бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганилиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Мазкур Фармон муҳим ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат сифатида ички ишлар органлари фаолиятини замон талабларига ҳамоханг тарзда самарадорлигини оширишда ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.

(Ўз мухбиримиз)

ХАЛҚАРО СИФАТ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Яккасарой кичик саноат зонасида кичик бизнес субъектлари учун "Ўзстандарт" агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ташаббуси билан ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўқув-семинар учун мазкур жойнинг танланishi бежиз эмас. Зеро, бу ҳудудда бугунги кунда 284 та тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бориб, улар орасида маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар талайгина, айримлари сифат менежменти тизими бўйича халқаро сертификат соҳибдорлари.

Тадбирда "REGIONAL CONSULTING" хусусий корхонаси томонидан халқаро сифат менежмент тизими бўйича талаблари бўйича маълумотлар берилди.

– "REGIONAL CONSULTING" хусусий корхонаси 2014 йилдан бери Ўзбекистон бозорида консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда, – дейди Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бош мутахассиси Жамшид Хабибуллаев. – Ўқув-семинардан қўзланган мақсад Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган дастурга асосан тадбиркорлар ва корхона раҳбарларини йиғиб, уларга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш тўғрисида тушуنча бериш, шунингдек, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун халқаро стандартлардан фойдаланиш тартиблари тўғрисидаги масалалар юзасидан фикр алмашди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон маҳсулотлари жаҳонга чиқмоқда. Дунё бозорига чиқилишнинг асосий шарти эса халқаро стандартларга жавоб бериш сифат сертификатига эга бўлишдир.

Ўқув-семинарида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ш. ЗОКИРОВ



"Ташаббус – 2017"

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хунармандчиликни ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётди. Соҳа вакиллари раббатлантириш ҳамда янги марралар сари илҳомлантириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аънавий тарзда "Ташаббус" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Шу кунларда кўрик-танловнинг 2017 йилги мавсуми ҳам бошланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Юнусобод туманида танловнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги яхши кўрсаткичларга эришган, экспортбон ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар ва бетақор санъат асарлари яратаётган хунармандлар иштирок этишди.

Мазкур кўрик-танлов ҳудудларда тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, шунингдек, миллий урф-одат ва аънаваларимизни асрлар оша сақлаб келаётган хунармандчиликни ривожлантириш, бу йўналишда меҳнат қилаётган усталаримизни қўллаб-қувватлаш, уларни янада кўпроқ изланишга, иход қилишга ундайди.

– Мамлакатимизда ишбилармон доира вакилларига берилаётган эътибор ва енгиллаш маҳсулотларининг сифати ва янги-янги турлари ишлаб чиқарилишида катта аҳамият касб этмоқда, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Юнусобод тумани Ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси раҳбари Али-

шер Алоҳидинов. – Катнашчиларнинг ҳар бири қолиблик учун муносиб номзоддир. Улар томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар ва хунармандчилик буюмларининг бири-биридан сифатлиги қолибни аниқлашда ҳакамларни узоқ ўйлашга мажбур қилмоқда.

Танлов якунига кўра қолиб ва совриндорлар аниқланди. "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясига "Azia new style" масъулияти чекланган жаҳияти раҳбари Р.Файзиев. – Ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ишмизни ривожлантирмоқдамиз. Режаларимиз кўп, маҳсулот тури ва сифатини ошириш устида иш олиб бораёламиз. Танловнинг шаҳар босқичида ҳам яхши натижаларга эришамиз деб умид қиламан.

Қолибларга танловнинг шаҳар босқичига йўланмалар берилди, шунингдек, яна бир қатор номинациялар бўйича тадбиркор ва хунармандлар раббатлантирилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Солиқ

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2016 йилда "Электрон солиқ хизматлари – my soliq.uz" янги портали ишга туширилганидан сўнг тадбиркорлик субъектлари учун мамлакатимизда янада кенг имконият ва истиқболлар очилди.

Бинобарин, ҳозирда портал орқали 31 та давлат электрон хизматларидан юридик ва jisмоний шахслар фойдаланиб келмоқдалар. Ушбу хизматларнинг 18 таси интерактив, 13 таси эса электрон ахборот хизматлари сирасига киради.

Энг муҳими, порталда солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳамма масалаларни электрон шаклда ҳал этишга мўлжалланган тадбиркорларнинг "шахсий кабинет"лари янада кўпроқ қулайликларга эга ҳолда қайта ишлаб чиқилди. Бугунги кунда портал орқали солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш, ҳисобот ва солиқ декларацияларини юбориш, шунингдек, 14 турдаги маълумотномаларни олиш имконияти яратилган. Солиқ тўловчилар учун интерактив хизматлар ёрдамида мустақил равишда ҳисобланган jisмоний шахсларга тегишли мол-мулк ва ер объектлари учун солиқларни "Click", "M Bank" ва "U-Pay" хизматлари орқали тўлаш имконияти борлиги солиқ тўловчиларни турли жойларга бориш оварай-сарсонгарчиликларидан халос қилади.

Мирзо Улугбек туманида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган жаҳи юридик шахслар сони 6184 тани ташкил этса, шулардан солиқ ва ҳисобот топшириш мажбуриятига эга юридик шахслар сони 5411 тадан иборат. Уларнинг барчаси ҳисоботларини электрон тарзда узатиш, ўз базасини очиб, қарзлари қанча эканлиги ва бошқа маълумотларга эга бўлиши тадбиркорларга катта қулайликлар яратмоқда.

Миршохид СУЛАЙМОНОВ,
Мирзо Улугбек туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

